



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

**Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy**

2021 -yil 30 - mart

6314 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Собиров Илхомбой  
Исмоиловичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Собиров Илхомбой Исмоиловичнинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 18 мартдаги ШЯ-С-1176-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 10 мартдаги 741-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н:**

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 67,7 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 6 (олти)та бўлиб, ички ўлчами 168,42 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 236,12 квадрат метр, қурилиш ости майдони 306,22 квадрат метр, умумий ер майдони 1300,0 квадрат метр (умумий ер майдони 1474,42 квадрат метр, бўлган ушбу турар жойнинг белгиланганидан ортиқча бўлган, 174,42 квадрат метрдан вақтинча фойдаланиш - ушбу вақтинчалик фойдаланиш мақсадида берилаётган ер майдонини қайтариб олиш шарти билан) ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Собиров Илхомбой Исмоиловичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Собиров Илхомбой Исмоиловичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида

дан қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда шунингдек, вақтинча фойдаланишга берилган 174,42 квадрат метр ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланса Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Собиров Илхомбой Исмоиловичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курыязов зиммасига юклатилсин.

**Боғот тумани ҳокими**



**Ш.Яхшибаев**